



## **ҚОРАҚАЛПОҚ БАДИЙ ФИЛЬМЛАРИДА МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК МАСАЛАЛАРИ**

*Азиз Аскаров,*

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти нукус филиали  
уқтұувчиси*

**Аннотация:** Бугунги кунда Ўзбекистон кинематографи янада ривож топаётгани баробарида профессионаллик, бадиийлик, эстетик нүктаи назаридан камчиликлар ва муаммоларга дуч келмоқда. Бунга гоявий-бадиий ва мазмун жиҳатларидан пухта асарларни вужудда көлтириш бүйича изланишлар етарлича амалга оширилмаётгани, фильмларнинг тасвирий ва бадиий ифода воситалари тўлақонли акс этмаётгани, “устоз-шогирд” анъаналарининг узвийлиги таъминланмаётгани сабаб бўлмоқда. “Ишлаб чиқилаётган кино маҳсулотларининг мафкуравий-бадиий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёrlик ва актёрлик ишларининг лозим даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қиласидиган бадиий образларнинг кўпинча мавжуд эмаслиги ёш авлодни жасорат ва қатъиятлилик руҳида тарбиялаш, ёт “оммавий маданият”га қарши курашии каби миллий кинематографиянинг асосий мақсадларини амалга ошириши имконини бермаяпти”. “Қорақалпоқфильм” киностудияси фаолиятида ҳам оқсашиб кузатилаётган бўлиб, бунга профессионал кадрларнинг етишимаслиги, ижодкорларда бадиий-эстетик тафаккур намоён бўлмаётгани, замон талабига мос моддий-техник база шакллантирилмагани асосий сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан қорақалпоқ киноси тарихи, замонавий ҳолати, хусусиятлари, қорақалпоқ бадии маданиятида кинонин урни, ривожини илмий тадқиқ этиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Калим сузлар:** Коракалпогистон, бадиий фильмлар, миллий идентиклик, Орол денгизи, коракалпокфильм киностудияси

“Идентиклик” тушунчаси психологияда инсоннинг турли ижтимоий, иқтисодий, миллий, сиёсий, диний, маданий гурӯҳ ёки жамиятга тегишли эканлигини ифодалашни англатади. Унинг семантик хусусиятдаги маъноси индивиднинг ўзини бошқалардан фарқли бўлган шахс сифатида англашида намоён бўлади. Бундай англаш жараёнини турли соҳалар каби кино санъатида ҳам кузатиш мумкин. Шу аснода “Қорақалпоқфильм” студиясида ишланган бадиий фильмларда ҳам киноижодкорлар қорақалпоқ халқининг бошқа халқлардан ажратувчи ўзига хос хусусиятларини англашга интиладилар. Эътиборли томони шундаки, қорақалпогистонлик киноижодкорлар бу жараёнда нафақат яхши жиҳатлар, балки салбий иллатларни ҳам англаб, экранда ёритишга интилмоқдалар. Бундай танқидий ёндашув идентикликни англаш жараёнида моҳиятга чуқурроқ кириб боришига имкон беради. Орол денгизи билан боғлиқ глобал муаммони ҳудудий жиҳатдан бевосита қорақалпоқ халқи чуқур ҳис этаётгани сабабли юқорида қайд этилган жараён айнан Орол муаммоси фонида ижодий тадқиқ этилаётгани масаланинг қиймати янада ортишига, камчиликлар аниқ ва равшан ифодаланишига сабаб бўлмоқда. Бу, айниқса, “Қорақалпоқфильм” студиясида суратга олинган ilk бадиий фильмларда яққол кўзга ташланади.

1989 йили яратилган “Гум-гум” бадиий фильмни Орол муаммосига бутунлай ўзгача ракурсда ёндашилгани билан эътиборни ўзига жалб этади. Унда Орол денгизининг қуриб бориши фонида инсонлар ўртасида юксак ахлоқий тушунча ва қадриятлар йўқолиб бораётгани хусусида бонг урилади. Фильм сюжетида ахлоқсизлик хукм сурган жамиятда табиий оғатлар бўлиши, оддий инсонлар жабр чекиши ҳақидаги аччиқ ҳаётий ҳақиқат қарор топади.

Сценарий муаллифлари У.Абдурахманов, М.Тўйчиев фильмнинг асосий конфликтини айнан жамият ва оддий инсон ўртасига қуриб чиқсан. Жамият қиёфасида мансабпаст, андишасиз, нафси ўпқон раҳбарлар гавдаланади. Маҳаллий халқ эса ана шу раҳбариётдаги иллатлар туфайли азият чеккан, бечораҳолга айланган. Улар ҳатто Оролнинг чекиниши сабабини ҳам юқори қатлам вакиллари касб этган қинғирликларда, деб биладилар. Муаммога бундай образли ёндашув фильм конфликтининг янада кескин тус олишига сабаб бўлган.

Фильм сюжети ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўзида акс эттирган. Воеалари 2 кун ичида содир бўлса-да, ушбу қисқа муддат ичида сўнгги бир неча ўн йилликда юзага келган талофатлар тўла-тўкис намоён бўлади. Сюжет Москвадан Оролбўйидаги аҳоли яшаш пунктига меҳмон ташриф буориши ҳақида хабар билан бошланади. Оқсоқол ҳамда қишлоқдаги барча мутасаддилар ана шу “нозик меҳмон”ни кутиб олиш тараддуудида ўзини у ёқдан-бу ёққа урадилар. Бироқ меҳмон бор-йўғи карп балиғининг денгизга мослашувини тадқиқ этувчи олим эканлиги аён бўлгач, ана шу оқсоқол ва унинг атрофидагилардаги ўта такаллуфдан иборат муносабатлар ўзгаради. Шунга қарамай, меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйишини тўхтатмаган оқсоқол ўзи билмаган ҳолда нақадар разил шахс эканлигини атрофдагилари фош этади. Айнан москвалик меҳмон орқали Орол билан боғлиқ аянчли аҳвол очиқланади.

Фильмнинг номида рамзийлик мужассам бўлган. Маҳаллий аҳоли вакиллари денгиз кетиб, ўрнида ҳосил бўлган сахрова яшайдиган эчкиэмарларни “гум-гум” деб атайди. Бу ибора муаммолар гирдобида қолган бўлса ҳам, эчкиэмар сингари қум орасида жим яшашга мажбурлик маъносини англатади. Оролбўйида истиқомат қилувчи оддий халқ ҳам сахрога айланган худудларда истиқомат қиласа-да, чурқ этмай, шундай

шароитга кўнишга мажбур. Бундай образлилик фильмнинг поэтик руҳиятига мос тушган.

“Гум-гум” фильмнинг тасвирий ифодаси образлилик ва рамзийликка қурилган. Фильм экспозициясида режиссёр Ж.Давлетов Оролбўйидаги майший ҳаётни ифодалаш мақсадида ушбу ҳудуд табиати, аҳолисининг яшаш тарзини табиий натурада суратга олинган, аввалдан саҳналаштирилмаган кадрлар билан тасвирлайди. Бунда оператор В.Алламяров камеранинг доимий ҳаракатидан фойдаланади, айниқса, узлатга чекинган қишлоқ уйларини тасвирлашда камера юриб кетаётган машина ичидан суратга олгани сабабли табиий қимирилаш эффекти юзага келган. Бундай съёмка услуби композитор Д.Янов-Яновскийнинг таҳликали мусиқа садолари остида фильмнинг ташқи ва ички динамикага бой муҳитига олиб киришда катта ёрдам берган.

Фильмдаги бош қаҳрамон сифатида даставвал Оқсоқол образи намоён бўлади. У аввалига фаоллиги, салобатли кўриниши билан халқпарвар, куюнчак, ғайратли раҳбардек таассурот уйғотади. Бироқ қўли остида ишлайдиган бир ходимнинг мактаб ва поликлиника қуриш бўйича мурожаатига қўл силташи унга нисбатан томошабинда негатив муносабат пайдо бўлишига олиб келади. Воқеалар мобайнида Оқсоқол майшатпарамст, манфаатпарамст, беор, разил шахс эканлиги аён бўлади. У “нозик меҳмон”ни ўз манфаати ва тинчлиги йўлида ўта дабдаба билан кутиб олиб, шу меҳмон Варапаев баҳонасида майшатдан ортмай қолади. Варапаев – С.Ивановга Орол муаммосини сўзлашда Оқсоқол – Қ.Абдремовнинг виждони озгина бўй кўрсатса-да, бироқ фильмнинг кульминацион қисмида Котиба Ойгул – З.Баймуратовадан фахш йўлида фойдаланишга интилиши мазкур қаҳрамоннинг нақадар пасткаш кимсалиги маълум бўлади. Натижада фильм аввалида гўё бош қаҳрамон бўлиб кўринган образ сўнгтига келиб, асосий антагонист эканлиги, протагонист эса Орол денгизи ва унинг атрофидаги

она-табиатлиги ойдинлашади. Финал қисмида Ойгулни саҳрода унинг акаси, Оқсоқол ва ёрдамчиси девоналардек излаб юришида ҳам рамзийлик мужассам. Ушбу кадрларда Ойгул Орол дengизига қиёсланади, уни излаб юрганлар эса қилғиликни қилиб қўйиб, кўзи кеч очилган шахслар. Бироқ энди кеч, Ойгул сингари Орол ҳам қайтмайди.

Фильм экспозициядаги табиий ва ҳаётий кадрлар билан бошланиб, шу каби эпилог билан якун топган. Натижада боши ва охири бир ғоя остига бирлашган бадиий яхлит кинокартина вужудга келган. Экспозициядаги кадрлар кўпроқ таништирув хусусиятига эга бўлса, эпилогдаги кадрларда муаммога лоқайдлик ортидан юзага келган аянчли аҳвол тасвирланади. Унда Орол дengизининг чекиниши туфайли пайдо бўлган экологик танглик, маҳаллий аҳоли орасида туғилган жисмонан нуқсонга эга инсонларнинг глобал муаммо сабабчилари-ю, унга бефарқ одамларга мурожаати акс этади. Ҳам экспозиция, ҳам эпилогдаги суратга олинган кадрлар, яқундаги Орол дengизининг қанча қисми қуриб битгани ҳақидаги маълумотлар бадиий фильмнинг ҳужжатлилик хусусияти билан йўғрилишига сабаб бўлган.

Фильмдаги контраст бўёқлар асосий конфликтнинг яққол намоён бўлишига олиб келган: бир томонда оддий аҳоли ҳам жисман, ҳам руҳан ўта танг аҳволда қолган, иккинчи томонда эса раҳбарлар-у мутасаддилар майшат билан банд. Мазкур аччик ҳақиқат “Гум-гум” фильмининг фожейи рухиятини ўзида акс эттиради. Фильм ижодкорларининг асосий мақсади ана шундай контрастликларни кўрсатиш орқали Оролга бутун жамоатчиликнинг эътиборини қаратишдан иборатdir.

“Гум-гум” фильмини “Қорақалпоқфильм” тарихидаги катта маданий воқелик сифатида қабул қилиш мумкин. Бунинг сабаби нафақат у қорақалпоқ киноси тарихидаги илк бадиий фильмлардан бири бўлганида, балки унда кучли профессионал ижодкорлардан иборат ижодий гурӯҳ ишлаганида, Орол дengизи билан боғлиқ глобал муаммога ноодатий нигоҳ

ташланганида намоён бўлади. Ноодатий нигоҳ фильмнинг сюжети, воқеалари ривожи, образлари, умумий стилистикасидаги сюрреалистик ёндашувда ўз аксини топган.

“Гум-гум” бадиий фильми 1990 йилда АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кинофестивалда олий мукофот – Гран-прини қўлга киритгани ҳам бежиз эмас.

Қорақалпоғистонлик киноижодкорлар нафақат глобал муаммолар, балки айрим ижтимоий масалаларга ҳам томошибинлар эътиборини қаратишга интилдилар. Хусусан, “Тиқин” қисқа метражли бадиий фильми жамиятда учраб турадиган манфаатпараст, инсофсиз, ахлоқсиз шахсларнинг қиёфасини фош этади.

Сценарий муаллифи О.Абдирахманов сюжетни турли воқеаларга қуриб чиқкан бўлиб, мазкур воқеалар бош қаҳрамон Мирзабайнинг асл характери аста-секин очилиб боришига ёрдам берган. Ҳар бир эпизодда унинг турфа хил иллатларни ўзида мужассам этгани намоён бўлиб боради. У ўз мансабидан фойдаланиб, кафедан алкоголь маҳсулотларини шериги орқали олиб чиқиб пуллайди, топган пулларини эса ўз хузур-ҳаловати ва майшати учун ишлатади, футбол ўйнаб юрган болалар тепган тўп унинг машинасига теккани учун ана шу тўпни пичоқ билан ёради ва нақадар бемехрлигини кўрсатади. Мирзабайнинг асосий қилиғи велосипедлар ғилдирагидаги тиқинни олиб, чўнтағига солишида ўз аксини топади.

Режиссёр Т.Қалимбетов Мирзабай ролига актёр М.Отемисовни танлаган. М.Отемисов думалоқ шаклидаги танаси, шардек катта қорни, атрофга доим суқланиб қарashi билан бош қаҳрамоннинг табиатига мос тушган. Унинг юриш-туриши, ҳар бир хатти-ҳаракатида кибр, манманлик, безорилик ҳукмрон. Фильм экспозицияси ва илк эпизодларида образли ёндашув кўзга ташланади. Экспозицияда Мирзабай – М.Отемисов айланиб турган велосипед ғилдираклари фонида пайдо бўлади. У ғилдираклардаги

тиқинларни олиб, чўнтағига соларкан, қаҳ-қаҳ отиб қулади. Кейинги кадрларда шаҳар манзараси фонида унинг кулгиси янграркан, бунда Мирзабай каби шахслар қилмишлари билан бутун шаҳар бўйлаб ўзини хукмрондек тутишига ишора мавжуд.

Экспозицияга уланган Мирзабайнинг туши эпизодида образли ёндашув янада яққолроқ намоён бўлган. Унда Мирзабай – М.Отемисов “СССР” ёзуви туширилган майкада йўлнинг ўртасида ястаниб ётади. Бунда қаҳрамоннинг беўхшов қорни, бамайлихотир ҳолатини СССРга қиёслаш бор. Сўнг Мирзабайнинг ортидан велосипедчилар қувлай бошлиши ва у қочишида ўтган аср 80-йиллари охирида СССРнинг парчаланиш арафасидаги хотиржамлигини йўқотганига рамзий ишора бўлган.

Фильм сюжетидаги турли воқеалар айнан Мирзабайнинг характерини тобора ёрқинроқ намоён этишга хизмат қилган. Операторлар В.Алламяров, К.Исаков бош қаҳрамоннинг ташқи кўриниши, шакл-шамойилини аниқ кўрсатиш учун доимо умумий ва ўрта планлардан фойдаланган. Бу ўзини оқлаган, чунки фақатгина ўз ҳузур-ҳаловати учун ҳаёт кечирадиган бундай кимсанинг беўхшов семириб кетганини тасвирлаш ҳамда бу орқали унга нисбатан нафратни янада қўзғаш зарур эди. Сюжет воқеалари аста-секин ривожланиб бораркан, бош қаҳрамонга нисбатан пайдо бўлган нафрат янада кучайиб боради. У пичоқ билан ёрган тўпнинг эгасини кўчада кўриб, ҳуштак чалганча ана шу болакайни тўхтатиши ҳамда ўз машинасини арттириши Мирзабайнинг турли иллатларга бой табиатидаги манфурликни кучлироқ намоён бўлишига сабаб бўлган. Ана шу болакай шаҳардаги қанчадан-қанча велосипедлар, автомобиллар, ҳатто кичик самолётларнинг ғилдиракларидаги тикинларни йиғиб келиб, Мирзабайнинг юзига сочиши фильм воқеаларигаadolatli якун ясаган. Бу бировларнинг ҳақини еб тўймайдиган шахслар устидан ғозонилган ғалабадир.

“Қорақалпоқфильм”да суратга олинган сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган бадиий фильмларда поэтик кинога хос бадиий ифода воситалари ўз аксини топди. Орол билан боғлиқ глобал муаммолар ҳақида ҳикоя қилувчи фильмларда рамзий деталлар, аллегорик воситалар ўринли қўлланилгани эътиборни жалб этади. Уларда алоҳида образларни Орол билан ўхшатиш орқали денгизнинг тобора чекиниб бораётганининг асосий сабаби инсон омили эканлигини кўрсатиш, бунда мазкур муаммони одамлар орасида ўзаро ҳурмат, инсоний туйғулар, қадр-қиммат тушунчалари йўқолиб кетгани билан боғлаш орқали рамзийлик ва образлиликка интилишлар кузатилди.

Киноижодкорлар жамият ривожига тўсқинлик қилаётган турли ижтимоий масалаларни юмор орқали ифодалаш бўйича ижодий изланишларини ҳам юзага келтирмоқдалар. Бунда шафқатсиз сатирик ёндашув билан одамлар орасидаги кўплаб иллатларни фош этиш асосий мақсадга айланган.

Мустақиллик даврининг иккинчи ўн йиллигига қорақалпоғистонлик киноижодкорлар “Ўзбекфильм”да фаолият кўрсатувчи ҳамкаслари билан ҳамкорликда ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак бўлган бадиий фильмларни суратга олдилар. Мазкур фильмлар мавзуси, ижтимоий юки ва таъсири нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этиб, уларда ўз фаолияти, интилишлари, орзу-мақсадлари, юргига садоқати билан ибрат бўлувчи замондошлар образи акс этгани билан эътиборли. Мустақиллик йилларида суратга олинган бадиий фильмлар “Қорақалпоқфильм”нинг нафақат техник, балки бадиий жиҳатдан ҳам янада ривож топганининг амалий исботи билан намоён бўлди.

Кинематографда операторлик иши фильм ғоясини томошабинга етказишдаги энг муҳим компонентлардан бири ҳисобланади. Оператор профессионал, кучли фантазияга эга, сезгир, эътиборли, ҳақиқий ижодкор

бўлса, маҳоратли режиссёр билан кучли тандемга айланади, актёrlар ҳам суратга олиш жараёнида мушкулликларга дуч келмайдилар, драматургик асар экранда ёрқин ифодасини топади. Ҳар қандай фильмни томошабин айнан операторнинг ўткир нигоҳи орқали томоша қиласи.

Бироқ қорақалпоқ киносида маҳаллий операторларнинг ижоди у қадар ёрқинлиги, профессионаллиги билан ажралиб турмайди. Тўғри, Н.Давкараев, Б.Базарбаев, Б.Дилмуратов, К.Исоқов, А.Асқаров ва бошқа операторларнинг қатор режиссёрлар билан ҳамкорликдаги ижоди қорақалпоқ хужжатли киносининг ривож топишида катта аҳамият касб этди. Аммо хужжатли кино ва бадиий кино ўртасида специфик нуқтай назардан катта фарқ бор. “Қорақалпоқфильм” киностудиясида яратилган бадиий фильмларни суратга олиш бўйича юқорида қайд этилган операторларда етарли малака, билим ва тажриба мавжуд эмаслиги, улар томонидан бадиий кинонинг ўзига хос хусусиятлари, ифода воситалари ижодий ўзлаштирилмагани билан боғлиқ муаммо юзага чиқди. Қорақалпоқ киноси вакилларининг “Ўзбекфильм” ижодкорлари билан ўзаро ҳамкорликда суратга олинган бадиий фильмларидағина операторлик иши алоҳида мазмун касб этди.

Шу нуқтайи назардан, қорақалпоқ киносидаги энг катта муаммо кадрлар билан боғлиқлиги, “Қорақалпоқфильм” киностудиясида профессионал, соҳа бўйича таҳсил олган, етук ижодкорлик қобилиятига эга бўлган мутахассислар этишмаслиги унинг ривожига тўсқинлик қилаётгани маълум бўлди. Бу муаммони бартараф этиш учун киностудияни олий маълумотли кадрлар билан жадал равишда таъминлаш, уларни нафақат Ўзбекистонда, балки кино санъати ривожланган хорижий юртларда ижод қилаётган ҳамкаслари билан ўзаро билим ва тажриба алмашиш ишларини доимий йўлга қўйиш зарурдир.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хайтматова С., Абулқосимова Х. Ўзбекистон санъати тарихидан: мустақиллик давридаги ўзбек киноси. – Тошкент, 2008.
2. Тешабоев Ж. Узбекское кино: традиции и новаторство. – Ташкент: Изд-во литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1979. – 184 с.